

Куч – адолатда

2023 йил
1 сентябрь,
жума
№ 39 (969)



Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

• <http://www.kuch-adolatda.sud.uz> •

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам отахон ва онахонлар!
Юртимиз келажаги бўлган ёшлар!
Хурматли меҳмонлар!

Бундан роппа-роса ўттиз икки йил муқаддам Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўтган даврда биз қанча синовларни бошимиздан ўтказдик, кўплаб қийинчилик ва машаққатларни биргаликда енгдик.

Ўттиз икки йил аввал туғилган гўдак бугун ўзининг мустақил фикри, дунёқараш, орзу-истаклари ва мақсадларига эга шахс сифатида вояга етди. Худди шу сингари, бугунги Ўзбекистон ҳам, ўтган даврда турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланди.

Бу – бундан халқимизнинг тарихий ютуғи. Унда ҳар бирингизнинг муносиб ҳиссангиз бор!

Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар кунлик меҳнатингиз Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами – барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу шуқуҳли дамларда ҳар қандай шароитда ҳам ўз касбига содиқ қолиб, ёш авлодимизга илм-фан

асосларини ўргатиб келаётган хурматли муаллим ва мураббийларни, халқ саломатлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган жонқуяр шифокорларни, эл-юрт дастурхонини янада тўкин қилиш учун далаларимизда фидокорона меҳнат қилаётган миришкор деҳқон ва фермерларимизни, она юртимиз қалқонлари бўлган жасур ҳарбийларимизни, иқтисодийимиз ривожини, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тадбиркорларимизни, ўзининг дастлабки ютуқлари билан барчамизни хурсанд қилаётган азму шижоатли ёшларимизни, қалб тўла меҳри, улуғ фазилатлари билан хонадонларимиз устунли бўлиб келаётган хурматли опа-сингилларимизни, ҳар бир ишда дуоғўй бўлиб, бизга Яратгандан куч ва мадад тилаб турган мухтарам отахон ва онахонларимизни, дунёнинг қайси ўлкасида бўлса ҳам, Ўзбекистон соғинчи билан яшаётган азиз ватандошларимизни, бир сўз билан айтганда, 36 миллионли бундан халқимизни бугунги улуғ байрам билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Истиқлол айёми барчамизга муборақ бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Албатта, Ўзбекистон ўз суверенитети, давлат мустақиллигига осонлик билан эришгани йўқ. Бу йўлда аждоқларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнги бир ярим аср давомида деярли тўхтамади. Хуррият учун

курашган кўплаб Ватан фидойилари қатагон этилди, истиқлолга интилган миллат қахрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлди.

Биз юрт озодлиги йўлида курашган, ноҳақ айбаниб, бу дунёдан армон билан кетган ватандошларимизнинг пок номларини тиклашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Сўнги уч йилда уларнинг 856 нафари Олий суд томонидан оқланди. Биз бундай эзгу ишларни албатта давом эттирамиз. Зеро, бу масалада адолат қарор топиши шарт.

Ўтмишга назар ташлар эканмиз, аччиқ бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: "Ўзбек" деганда, фақат эртаюв кеч пахта даласида меҳнат қиладиган заҳматқаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Афсуски, шу даражага тушиб қолган эдик.

Пахта ҳукмронлиги ўзбекнинг пешонасига ёзилган бало бўлди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инқирозга олиб келди, иқтисодийимизни, таълим тизимини издан чиқарди. Оқибатда бир неча авлод чаласавод бўлиб вояга етди. Биз бунинг асоратлари билан ҳалигача курашяпмиз.

Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасини топди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди, тадбиркорлар пахта "ўлпони"дан озод бўлди, мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўзбекистон халқаро "қора рўйхатлар"дан чиқарилди.

Барчамизнинг фидокорона меҳнатимиз, гайрату шижоатимиз билан Янги Ўзбекистон орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда. Халқаро майдонда Ватанимизга нисбатан хурмат ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Президент сифатида дастлабки ишларимдан бири қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатди бўлди. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга чиқди.

Қадрли юртдошлар!

Сиёсий мустақиллик замирида энг аввало иқтисодий мустақиллик ётиши ҳеч кимга сир эмас. Охирги йилларда амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз бу йўлда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Сўнги 6 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбиркорлик субъектлари сони 2 карра кўпайгани, sanoatдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани бунга яққол тасдиқлайди. Қисқа муддатда камбағалликни 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришдик.

Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимизни шу асосда ташкил этишимиз керак. Чунки, келажак бугун биз ташлаётган қадамлардан бошланади.

(Давоми 2-бетда) ►

ВАҚТНИ – ИМКОНИЯТГА, ИМКОНИЯТНИ – ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРА ОЛГАН ХАЛҚ – БУЮК ХАЛҚДИР



Тошкент шаҳрида 31 август кунини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги катта тантана қилинди.

Байрамда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни бу қутлуғ сана билан табриқлади.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган даврда Ўзбекистон турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланишини таъкидлади.

– Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар кунлик меҳнатингиз Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат

қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами – барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Албатта, халқимиз мустақилликка, бугунги фаровонликка осонлик билан эришмаган. Бу йўлда аждоқларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнги бир ярим аср давомида деярли тўхтамаган. Истиқлолга интилган миллат қахрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлган. Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли уларнинг пок номлари тикланмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 32 ЙИЛЛИГИГА МУСТАҚИЛЛИК – ИНСОН ҚАДРИ ВА АЁЛ БАХТИНИНГ КАФОЛАТИ



Кўп миллатли халқимиз Кшу кунларда Ватанимизнинг изжимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик санасини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонламоқда.

Ўтган тарихан қисқа вақт давомида халқимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан миллий ўзгичимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадрият ва аъналаримиз қайта тикланди, давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгарди, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, хусусан, янгилашган Конституциямизнинг қабул қилиниши эл-юртимиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган ислохотларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаб келатганини яна бир бор яққол



тасдиқлади. Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон қадри ва ҳуқуқларини, халқимиз манфаатларини таъминлаш ҳисобланади.

Бинобарин, инсон қадри устувор бўлган давлатда хотин-қизлар қадри, оналар қадри ҳам юксак бўлади. Аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака барқарор бўлади.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимиз аёлларининг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белги-

ланди. Мамлакатимизда халқ билан мулоқотнинг самарали тизими йўлга қўйилгани натижасида хотин-қизларимизни ўйлантириб келаётган муаммолар ўз ечимини топди.

Энг муҳими, бугун жамиятимизда аёлларни эшитиш, муаммо ва тақлифлари билан қизиқиш, уларнинг бошқарувдаги салоҳиятидан унумли фойдаланиш, аёллар тадбиркорлигига кенг йўл очиб том маънодаги амалий ишга айланди. Бундай улуғвор сазъа ҳаракатлар замирида, аввало, жамият, оила ва унинг гулгожи саналган аёлларга юксак эътибор кўрсатиш, уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратиш мақсади мужассамдир.

(Давоми 3-бетда) ►

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз – Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 32 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **286** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **109** нафари асосий жазодан озод этилди, **116** нафа-

ри жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **25** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **36** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **39** нафарини аёллар, **22** нафарини 60 ёшдан ошган эркек, **30** нафарини чет эл фуқаролари, **3** нафарини таққилланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оила ва яқинлари бағрига қайтартириб, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Мустақил ва истилолар даврида заминимизда минглаб беғуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча ошлар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

ВАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ШАҲИД КЕТГАНЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТДИР



Президент Шавкат Мирзиёев 31 август кунини эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.


Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элға ош тортилди.

Мустақиллик кунларида миллатимиз ойдинлари хотирасини эъзозлаш, хизматларини эслаш яқши анъана. Чунки улар халқимиз озодлиги учун, бугунгидек эмин-эркин кунлар учун интилган эди. Бу сана Ватанга фидойилик унутилмаслигини, ҳамisha қадрланишини англатади.

(Давоми 3-бетда) ►

Тарих тилсимлари АБАДИЯТГА МУҲРЛАНГАН МАРОСИМ

ёхуд Хусайн Бойқаронинг янги сурати



Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти тадқиқотчилари томонидан буюк темурий ҳукмдор ва шоир, фан ва маданият ҳомийси Султон Хусайн Бойқаронинг сурати акс этган яна бир миниатюра аниқланди.

(Давоми 4-бетда) ►

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Азиз дўстлар!
Биз мутафаккир зотларнинг: **“Давлатнинг вазифаси инсонларни бахтли-саодатли қилишдир. Бу мақсадга эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида эришилади”**, деган ҳикматли сўзларини ўзимиз учун дастур деб биламиз.
Маълумки, биз бир йил аввал тараққийимизнинг 5 та асосий йўналишини белгилаб олган эдик. Унда таълим соҳасини ривожлантириш биринчи галдаги устувор вазифа сифатида қайд этилган.

Мен доимо таълим, таълим, муаллим, муаллим, деб таъкидлашнинг бежиз эмас. Чунки таълимни ривожлантиришдан туриб юксак тараққийга эриша олмаемиз. Ҳар қандай муаммонинг ечими ҳам, эртанги кунимизни ҳал қилувчи омил ҳам, шубҳасиз, таълимдир.

2022 йили мамлакатимизда 72 та янги мактаб қурилди, 279 таси капитал таъмирдан чиқарилди, 514 та мактаб эса реконструкция қилинди. Мактаблар учун 30 мингдан ортиқ компьютер харид қилинди. Янги ўқув йилидан республикамиз мактабларида хоридан махсус тактикланган 500 нафар инглиз тили мутахассислари болаларимизга дарс беради. Бошланғич синф ўқувчилари илғор хорижий таъриб асосида ишлаб чиқилган янги дастур ва дарсликлар бўйича ўқий бошлади.

Худди шу каби, соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ва ёқилғи-энергетика муаммоларини ҳал этиш юзасидан катта лойиҳалар бошланган. Яна бир бор таъкидлайман: ушбу белги-ланган устувор йўналишлар бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак,

ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати билан улкан ҳисса қўшганига гувоҳ бўлаемиз.

Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюк фазилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яшамоқда.

Мен ишонаман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом эттиришга ҳар томонлама қодирмиз. Бугунги кунда дунё харитасида тутган ўрнимиз, ўз олдимизга қўяётган жуда улкан мақсад ва марраларимиз ҳам айнан шуни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз транспорт-логистика тизими билан бирга, бугун замонавий ўзи талаб қилаётган илм-фан, инновация, IT ва ақлий меҳнатга асосланган буюк соҳаларни жадал ривожлантиришга устувор аҳамият қаратаемиз. Айнан шу йўналишлар Ўзбекистон иқтисодиётининг яқин келажакдаги асосий локомотивлари айланади.

Муҳтарам дўстлар!
Бугун бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим масала – экологик муаммолар ва сув танқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги турган бўлса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи турибди.

Бизнинг вазифамиз – ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлашдан иборат. Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни

ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

Бу борада сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Биз учун “яшил” ва рақамли технологиялар, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди.

Қадрли юртдошлар!
Янгилашган Конституциямизда Ўзбекистоннинг дунёвий давлат ва турли маданиятларни бирлаштирган макон экани аниқ белгилаб қўйилди. Бизнинг куч-қудратимиз – мана шунда, биз бу бойликни кўз қорачигидек асрашимиз керак. Тарихга қарайдиган бўлсак, асрлар давомида юртимизда турли хил эътиқод ва қарашлар, динлар, маданиятлар бағрикенглик билан қабул қилинганини кўраемиз.

Биз – нисоларни уруш билан эмас, тинчлик билан ҳал этиш йўлини танлайдиган халқимиз. Биз барча халқлар билан ҳамisha мурося мадора, дўстлик ва ҳамкорликда яшаб келганмиз. Бугунги тараққий ёлимизда ҳам айнан шу тамойилларга таянамиз.

Бизга, биринчи навбатда, кучли фуқаролик жамияти зарур, чунки ҳар қандай ислоҳот ҳар биримизнинг юрагимиздан, онгимиздан бошланиши лозим. Адолатли қонунлар бўйича виждонан яшашга тайёр бўлишимиз, мамлакат келажак учун бир ёқадан бош чиқариб, олға қадам босмоғимиз керак.

Бугун ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақида гап борар экан, буни сўз ва матбуот эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бутун дунёда журналистлар ўзлари ва жамиятни ўйлантираётган, хавотирга солаётган мавзулар ҳақида гапириш ва ёзиш ҳуқуқи учун, ҳақиқат учун курашганлар ва бундан кейин ҳам курашадилар.

Аммо, ишонч билан айта оламани, мен эркин фикрли журна-

листлар тарафида бўлганман ва доимо шу позицияда бўламан. Айни вақтда ахборот маконида ҳақонийлик ва холислик бош мезон бўлиши керак.

Ҳурматли байрам қатнашчилари!
Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, **“хотин-қизлар – бу миллат оналаридир”**. Улар миллатнинг янги насли – фарзандларини тарбиялаш учун ўзлари ҳам юксак билимли бўлишлари зарур.

Шундай экан, олдимизда турган яна бир муҳим вазифа – жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратишдир. Ҳурматли хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, касб соҳаси бўйича ўсишини таъминлаш босқичида ўтган даврда кўп ишларни амалга оширдик. Шу билан бирга, бу йўналишда қиладиган ишларимиз ҳам оз эмас.

Маълумки, муҳтарам аёлларимиз зиммасида хизмат соҳасидаги вазифасидан ташқари, фарзандлар тарбияси, оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ахлоқий-маънавий анъаналарни давом эттиришдек мураккаб вазифалар ҳам бор. Шундай экан, меҳрибон опа-сингилларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, арзийди.

Мана, бу йил оиладаги зўравонликка қарши қонунни қабул қилдик. Бундан қўзланган асосий мақсад – оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг бахти ва ҳимоясини таъминлашдир. Биз бу йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

Азиз юртдошлар!
Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак!

Биз бир бўлсак – ягона халқ-миз, бирлашсак – Ватанмиз!

Ҳурматли юртдошлар!
Инсоният охириги беш-олти йил мобайнида сўнги юз йил давомида ўз бошидан ўтказиши мумкин бўлган барча синовлар билан юзма-юз келгани сизларга маълум.

Бу пандемия бўладими, табиий офатлар, зилзилалар бўладими, қуролли тўқнашувлар, глобал исиш ҳамда қурғоқчилик бўладими – барчаси башариятни қаттиқ синовдан ўтказди ва ўтказмоқда. Мазкур мураккаб вазиятни, таъбир жоиз бўлса, кучли ва қаттиқ тўфонга қийсلاш мумкин.

Бундай офатлар оқибатида “манаман” деган дарахтларнинг ҳам барглари узилди, шохлари синиши, қуртаклари тўкилиши, ҳатто мевалари нобуд бўлиши мумкин. Лекин илдиизи мустаҳкам ва чуқур бўлган дарахтлар йиқилмайди. Аксинча, ерга ўша томирлари билан янада маҳкам боғланади. Қайта қуртак ёзади, мевалар тугаверади. Бу – ҳаёт қонуни.

Бизнинг қадимий ва мустаҳкам илдишларимиз бор. Бу – бизнинг тарихимиз, қадрият ва анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий ўзгиллигимиздир. Мен ана шу теран илдишларимизда юртни, миллатни бирлаштирадиган буюк бир ғояни кўраман.

Биз Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлигини таъминлашнинг ишончли қафолати бўлган Қуролли Кучларимиз салоҳиятини оширишга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун янада муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратаемиз.

Дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари, айниқса, қўшни давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқамиз. Бу борада мамлакатимиз ва хорижий давлатлар дипломатларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда

хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этаётганидан мамнун эканимни билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва равақ тилайман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!
Барчангиз бир ҳақиқатни билишингизни истардим. Бизнинг жамияти саъй-ҳаракатларимиз мамлакатимиз равақи учун, ўз Ватанига садоқатли халқимиз учун, сизлар учун, азиз юртдошлар!

Бугун олдимизда турган вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни биргаликда ҳал этишга кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Тарихдан маълум: вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққийёт пойдеворида айлантира олган халқ – буюк халқдир. Бугун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз аини шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча юртдошларимизга, она халқимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сиз, азизларни, каттаю кичик барча ватандошларимизни бугунги улуғ айём – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Барча ютуқ ва галабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимиз ҳамisha омон бўлсин! Гўзал юртимизда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин!

Жонажон Ватанимизга кўз тегмасин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ВАҚТНИ – ИМКОНИАТГА, ИМКОНИАТНИ – ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРА ОЛГАН ХАЛҚ – БУЮК ХАЛҚДИР



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мустақид тузум даврида халқимизнинг ери, кучи, бор салоҳияти фақат деҳқончиликка йўналтирилди. “Ўзбек” деганда, фақат эртаю кеч пахта даласида меҳнат қиладиган заҳматкаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инқирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди.

Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўқитувчи мактабга, шифокор шифонага қайтди. Ўзбекистон халқаро “қора рўйхатлар”дан

чиқарилди.

Сиёсий мустақиллик замирида энг аввало иқтисодий мустақиллик ётиши ҳеч кимга сир эмас. Меҳнат ва машаққатлар билан бу асос мустаҳкамланиб бормоқда. Сўнги 6 йилда юртимизда янги ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбиркорлик субъектлари сони 2 қарра кўпайгани, санаотдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани бунга яққол тасдиқлайди.

— Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимизни шу асосда ташкил этишимиз керак. Зеро, келажак бугун биз ташлаётган қадамлардан бошланади, — деди Президент.

Мамлакатимиз интилайётган тараққийётнинг асоси таълим экани таъкидланиб, бу соҳада қилинаётган ишлар қайд этилди.

— Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати билан улкан ҳисса қўшганига гувоҳ бўлаемиз. Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюк фазилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яша-

моқда. Мен ишонаман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом эттиришга ҳар томонлама қодирмиз, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбари ўз нутқида бугун мамлакатимиз олдида турган муҳим масалаларга жамоатчилик эътиборини тортиди. Экологияни асраш, сув, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси долзарб экани қайд этилди.

— Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар — бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз шарт, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Яна бир муҳим вазифа — жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратиш экани таъкидланди. Бу ҳақда гапирар экан, Президент маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитратнинг “хотин-қизлар — бу “миллат оналаридир” деган сўзларини ёдга олди.

Инсоният охириги йилларда қаттиқ синовлар билан юзма-юз келгани, бунда ирода-си мустаҳкам ва бирлашган халқлар барқарор ривожланиши таъкидланди.

— Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак — яго-

на халқимиз, бирлашсак — ватанмиз, — деди Президент.

Халқимиз ҳамisha тинчлик тарафдори бўлиб келгани, олис ва яқин мамлакатлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилишига ургу берилди.

Олдиндаги вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни элимиз биргаликда ҳал этишга қодир экани таъкидланди.

— Тарихдан маълум: вақтни — имкониятга, имкониятни — ютуққа, ютуқни тараққийёт пойдеворида айлантира олган халқ — буюк халқдир. Бугун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз аини шундай халқ бўлиб май-

донга чиқмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз бу йўлда фидокорона меҳнат қилиб келаётган юртдошларимизга, бутун халқимизга миннатдорлик билдириди.

— Барча ютуқ ва галабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимиз ҳамisha омон бўлсин! Гўзал юртимизда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин! Жонажон Ватанимизга кўз тегмасин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин, — дея сўзини якунлади Президент.

Байрам катта концерт дастури билан давом этди. Унда эркесвар аҳдоқларимиз орзуи, бугунги озодлик шуқуқи, халқимизнинг кела-



ЎЗА

**БАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА
ШАҲИД КЕТГАНЛАР ХОТИРАСИ
МАНГУ БАРҲАЁТДИР**



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мустабид тузум даврида юртимизда минг-минглаб одамлар қатағонга учраган. Ойлабона хонавайрон бўлиб, болалари етим қолган. Биргина 1937-1938 йиллардаги қатталарнинг қурбонлари ҳақида 7 мингга яқин ватандошимиз отилган. Ҳозирги хийбон шундай қатллар ижро этиладиган муҳим жой бўлган. Мустақиллик йилларида у обод масканга айлантирилди. Бу ерда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг филиаллари ташкил этилди. Айни пайтда музейда Туркистон маърифатпарварларига бағишланган кўргазма очилган.

Хийбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат қилинди.

— Ҳар сафар бу ерга келиб, халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган жасур боболаримизни эслаб, кўнглимиз таскин топади. Уларни хотирлаш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қатағон қилинган етакчиларимизнинг тақдирини барчамизни мустақиллигимизни қадрлашга, уни асраб-авайлашга ундайди. Мана шундай мустақилликда, тинчликда яшашнинг ўзи Аллоҳ таоланинг катта марҳамати, неъматидир. Бунинг учун шукроналик билан, унинг қадрига етиш керак, — деди Президент.

1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учраган, уларнинг 13 минг нафари отиб ташлангани яна бир бор ёдга олинди. Афсуски, таъйиқлар бу билан чеклиниб қолмаган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб юртдошларимиз адолатсизлик қурбони бўлган. “Пахта иши”, “Ўзбек иши” деган сохта айбловлар билан республикамиз бўйича 40 минг киши тергов қилинган, 5 минг нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга йигирма беш йил раҳбарлик қилган, ўзбек халқининг буюк фарзанди Шароф Рашидов ҳам ўлимидан кейин сиёсий қатағонга учрагани аламли эканини айтди.

Жадид боболаримиз ҳаётини ўрганиш, ноҳақ қатағонга учраган инсонлар хотирасини абадийлаштириш бўйича хайрли ишлар қилинаётгани таъкидланди.

— Бу борада адолатни тиклаш бўйича кўп ишлар қилинаётир. Тарихчи олимлар иштирокида комиссиялар тузилди, архив ҳужжатлари ўрганилаётир. Охирги икки йилда Ўзбекистон Олий суди 850 нафардан зиёд, бу йил 240 нафар ана шундай жабрдийда ватандошларимизнинг ноини оқлади. Бундай изланишларни ҳеч қачон тўхтатмаслигимиз керак. Негаки ҳақиқатни халқимиз билиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу даврга оид тарих янги топилаётган ҳужжатлар ва

ашёлар билан бойиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича “Хотирани” китоблари тайёрланди. Уларга 40 мингга яқин ватандошимиз тўғрисидаги маълумотлар киритилди. Бу тўпламлар яқин вақт ичида чоп этилади.

Президентимиз шулар билан бирга қатағон қурбонлари яшаган маҳаллаларда уларнинг номлари, фаолиятини муҳраб кўйиш зарурлигини таъкидлади.

— Музейлар қилдик, китоблар чикаяпти, кўпчилиги оқланяпти. Лекин шу билан унутилиши керак эмас. Менинг назаримда, қатағон қурбонлари тўғрилиги ўсган ёки бугун авлодлари яшаётган маҳаллада, ўша ердаги мактабда уларнинг номларини ёзиб кўйсақ, ҳам савобли, ҳам ибратли иш бўларди. Қолаверса, мана шундай байрамларда, хотира кунларда хонадонларини зиёрат қилиш керак. Нега уруш қатнашчиларини уйига борамизу, қатағон қурбонларини эсламаймиз?! Уларнинг ҳар бирининг ҳаёти — қаҳрамонлик. Биз буни ўрганиб, ташвиқот қилиб, ёшларимизга етказишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддиларга жадид боболаримиз тарихини ўрганаётган тадқиқотчиларга мақсадли грантлар ажратиш, улар ҳақида ҳужжатли ва бадиий фильмлар олиш, матбуот ва интернет нашрларда материаллар чоп этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Халқимиз у даврни яхши билиши, фахрланиши керак. Ёшлар “Бизнинг боболаримиз истиқлол орзусида курашган, ўзини аямаган, биз мустақиллик учун нима қиляпмиз?” деб ўзига савол бериши зарур. Мустақилликнинг мустаҳкам замини нима ўзи? Аввало, ватанпарварлик, билим, маънавият. Жамиятимизда ана шундай ватанпарварлик руҳини, шукроналик руҳини кучайтиришимиз керак, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу монумент она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига қўйилган обиди. У Президентимиз ғояси асосида давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Мамлакатимиз ҳаётини кўп қилиб, хорижий ташрифлар чоғида бу ерга гул қўйиш анъанага айланган.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон гендер сиёсати бўйича ҳуқуқий базага эга энг ёш давлатлар қаторига киради. Шунга қарамайдан, мамлакатимизда ҳозирги кунга қадар айни йўналишда 42 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Хусусан, мазкур соҳага оид иккита муҳим қонун қабул қилинди. Бу ўринда “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар ҳақида сўз бормоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Бундан мақсад ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашдир.

Қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жорий этилди.

Энг асосийси, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 58-моддасида “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди”, деб белгиланди. Яъни давлат ҳар жабҳада эркеклар ва аёллар тенглигини таъминлаш кафолатини зиммасига олмақда.

Асосий қонунимизга фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қоидалар ҳам киритилди. Хусусан, янгиланган Конституциямизнинг 42-моддасида ҳимоядорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилиши рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини қамайтириш тақиқланиши тўғрисидаги янги норма белгилаб қўйилди.

Натижада аёлларимизни ҳар томонлама рағбатлантириш, салоҳиятли хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш, қарорлар қабул қилишда уларнинг улушини ошириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, биргина давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури доирасида 2022 йилда турли соҳаларда бошқарувчилик салоҳиятига эга 25 минг 55 нафар хотин-қизнинг кадрлар захираси шаклланти-

Тошкент шаҳрида яшовчи Исматулла Насруллаев (исм-шарифлари ўзгартирилган), Холдор Самариддинов ва Оқилбек Ҳамдамов (жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилган) улғайиб, коллежни тамомлагандан сўнг ҳам бирон-бир жойда ҳалол меҳнат қилишни хайёлларига келтиришмади. Аксинча, улар кунда-кунора учрашиб, бемақсад юришга одатланишди. Оқибатда...

Бундан беш йил муқаддам кунларнинг бирида Исматулла ғалати таклифни айтиб қолади.

— Қўпдан буён бир ишни режалаштириб юрибман. Агар шуни амалга оширсак, қўлимизга хашгиноа пул тушади, — дейди у.

— Қанақа иш, нима қилишимиз керак?, — деб сўрайди Оқилбек қизиқиб.

Бунга жавобан Исматулла кўпдан буён шахсий автомашинасида “Тошкент-Анджон” йўналишида қатнайдиган Ла-

□ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 32 ЙИЛЛИГИГА

**МУСТАҚИЛЛИК – ИНСОН ҚАДРИ
ВА АЁЛ БАХТИНИНГ КАФОЛАТИ**

рилгани шундан далолат беради.

Шунингдек, турли соҳаларда фаолият юритаётган фаол хотин-қизларнинг касбий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш доимий эътиборда турибди. Давлат бошқаруви академияси томонидан 14 минг 54 нафар хотин-қизлар раҳбарликка тайёрлаш бўйича 3 та алоҳида ўқув дастури асосида ўқитилгани бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон тарихида илк мартаба 2019 йилда парламентдаги хотин-қизлар сони 32 фоизни ташкил этди. Яъни миллий парламентдаги хотин-қизларнинг сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага эришди, Олий Мажлис дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. (Ваҳоланки, 2014 йилда ушбу кўрсаткич бўйича 128-ўринда эдик.)

Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 48 фоизга, олий таълимда 49 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди. Бугунги кунда мамлакатимизда вазир, ҳоким, элчи, ректор аёллар бор. Ҳуқуқ-тартибот органларида ҳам раҳбарлик лавозимларида аёллар фаолият юритиб келмоқда. 2021 йилдан буён Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Озарбайжон ҳамда Тунисдаги офисларига ўзбекистонлик аёллар раҳбарлик қилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 7 мартда қабул қилинган “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жалаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги амалий ишлар самардорлигини янги, янада юқори босқичга кўтарди. Жумладан, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб хотин-қизларнинг таълим олиш имкониятларини қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор имконият ва имтиёзлар яратилди.

Шу асосда мутахассислиги бўйича камда 5 йил меҳнат стажига, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қиз ҳар йили Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсияномаларига асосан давлат олий ўқув юртига тест синовлари натижаларига мувофиқ шартнома асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланди.

Давлат олий ўқув юртиларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг шартнома тўловлари қоплаб берилмоқда. Натижада бугунги кунда магистратура босқичида ўқишни давом эттираётган талаба-қизлар сони 17 минг 122 нафар бўлиб, жами талабалар сонига нисбатан 55,8 фоизни ташкил этмоқда.



Олий ўқув юртилари, техникум ва коллежларда, сиртки ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизлар шартномаларини тўлаш учун 7 йилга фойсиз кредит бериш тизими жорий этилди. Айни мақсадлар учун 2022 йилнинг ўзида 65 мингдан ортқ хотин-қизга фойсиз кредит ажратилди.

Иқтидорли ёшлар, жумладан, хотин-қизларни хорижий тиллар ҳамда ахборот технологиялари бўйича ўқув курсларига кенг жалб этиш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан халқаро имтиҳон тизимлари бўйича имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш йўлга қўйилди. Бугунги кунгача 2 минг 647 нафар хотин-қизнинг имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб берилди.

Илмий фаолият соҳасида фаолият юритаётган 1 минг 150 нафарга яқин иқтидорли хотин-қизлар Ёшлар академиясига аъзоликка қабул қилинди. Бинобарин, 2021 йилда ёш олимларимиздан қарийб 20 нафари Буюк Британия, Туркия, Франция, Австрия, Малайзия каби мамлакатларга стажировкага юборилган бўлса, 2022 йилнинг ўтган даврида ушбу кўрсаткич 27 нафарни ташкил этмоқда.

Айни чоғда, шуни ҳам тан олиш кераки, Ўзбекистонда иш бевуқчиларнинг аксарияти танловда аёллардан кўра, эркекларга кўпроқ устунлик беради. Бунинг сабаблари оддий – аёллар фарзанд парвариши туфайли ишга кечроқ келиши, ишдан вақтлироқ кетиши, ҳомиладорлик таътилига чиқиши айрим раҳбарларга маъқул келмайди.

Бугунги кунда хотин-қизлар фан, таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида машғул ходимларнинг 70 фоизини ташкил этади.

Аmmo ахборот технологиялари, инженерия, логистика, қишлоқ хўжалиги каби бошқа бир қатор соҳаларда бу кўрсаткич анча паст. Хотин-қизларни камситиш ҳолатлари, айниқса,

ҳомиладор ва ёш боласи бор аёлларга нисбатан бундай салбий ёндашувлар, афсуски, учраб турибди.

Зўравонлик жамиятдаги энг нохуш ҳолат бўлиб, инсонлар ўртасидаги тенглик ва эркинликни чеклайди. Хотин-қизлар ва воёга етмаганларга нисбатан куч ишлатиш тажовуз ҳисобланади. БМТ маълумотларига кўра, 15 ёшдан ошган ҳар учинчи аёл ҳаёти давомида камда бир марта бўлса ҳам жинсий ўқишнинг эҳтиёжидан уҳраб экан.

Глобаллашув жараёнида зўравонликнинг бу тури географик, ижтимоий ёки иқтисодий чегараларни билмаслиги аён бўлди. Шу маънода, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ислохотларни давом эттириш давр талабидир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз аёллари учун яшаш, меҳнат қилиш, оила ва жамиятда муносиб ўрин, кадр топишнинг янги даври бошланди. Чунки аёлларнинг тақдирини, бугуни ва келажаги учун давлат сиёсати даражасидаги юксак эътиборнинг ифодаси бўлган бундай шароитлар ва имтиёзлар мамлакатимиз тарихида ҳали бўлмаган.

Аёл бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади! Бу эзгу тамойил сўнги йилларда юртимиз ҳаётининг муҳим қоидага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз.

Бугун биз — шу юртининг хотин-қизлари истиқлолдек улуғ неъматдан баҳраманд бўлиб, жамиятимиз эъзоз ва эҳтиромидан, давлатимиз сўнги йилларда юртимиз ҳаётининг муҳим қоидага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз.

Бугун биз — шу юртининг хотин-қизлари истиқлолдек улуғ неъматдан баҳраманд бўлиб, жамиятимиз эъзоз ва эҳтиромидан, давлатимиз сўнги йилларда юртимиз ҳаётининг муҳим қоидага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси

Жиноятга жазо муқаррар!

ТЕРГОВДАН ЯШИРИНГАН БОСҚИНЧИ

беш йилдан сўнг айбига иқрор бўлиб келди



зиз Пирматовни кузатиб юргани, унинг қўлидан ҳар кун миллион-миллион сўм ўтишини, пайт пойлаб унинг изидан тушиш лозимлигини айтиди. Буни эшитиб, О.Ҳамдамов ва Х.Самариддинов ҳам қизиқиб қолишади.

Шундан сўнг қишнинг изгинли кунларидан бирида, аниқроғи, 2018 йил 2 февраль кун соат 12:30 ларда учовлон Қўйлик даҳасидаги Фарго-

русумли автомашинасининг на сотувчи, на харидор бор эди. Шунинг учун Л.Пирматов таниши Б.Аҳроқулов этиб тоторароғига келганди. Бироқ тун алламахал бўлгани боис ҳадеганда йўловчилар келавермайди. Шу боис Л.Пирматов тунги соат бир яримларда ёлғиз ўзи водий томон йўлга тушади. Пайт пойлаб турган ҳамтовоклар ҳам унинг ортидан йўлга тушиб, таъқиб эта бошлашади. Лекин Л.Пирматов буни сезмайди.

Хуллас, Лазиз Пирматов тонги соат 4:00 ларда Қам-чуқ донидан ўтиб, Данғара туманидаги “Санжар патир” номли нон маҳсулотлари растасига етиб келиб тўхтади. У таниши Бахтиёр Аҳроқулов билан шу ерда учрашишга келишганди. Қиш чилласи бўлгани сабабли ўша пайтда савдо растасида

на сотувчи, на харидор бор эди. Шунинг учун Л.Пирматов таниши Б.Аҳроқулов этиб келгунча автомашинани ичидан алламахал бўлгани боис ҳадеганда йўловчилар келавермайди. Шу боис Л.Пирматов тунги соат бир яримларда ёлғиз ўзи водий томон йўлга тушади. Пайт пойлаб турган ҳамтовоклар ҳам унинг ортидан йўлга тушиб, таъқиб эта бошлашади. Лекин Л.Пирматов буни сезмайди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

АБАДИЯТГА МУҲРЛАНГАН МАРОСИМ

ёхуд Хусайн Бойқаронинг янги сурати

(Бошланиши 1-бетда)

У айна пайтда АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги Осие санъати Миллий музейида LTS1995.2.26-сонли инвентар рақами билан сақланмоқда. Миниатюра шартли равишда "Хусайн Бойқаронинг тож кийиш маросими" деб номланган. Ушбу асарни Мансур мусаввир 1469 йилда чизгани тахмин қилинмоқда.

Султон Хусайн Бойқаро Амир Темирнинг эвараси бўлиб, 1438 йил июль ойида Ҳиротда дунёга келган. Темирлий ҳукмдор султон Абусаид Мирзонинг Қорабоғ яқинидаги ҳалокатидан сўнг 1469 йил 24 март куни Хуросон тахтига ўтирган. Хусайн Бойқаро мамлакатни 37 йилга яқин бошқарди. Унинг бошқаруви даврида Хуросон Шарқнинг тинч ва фаровон ўлкалардан бирига айланди. Бу улғувор ўзгарилларда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий сингари мутафаккирларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор эди.

Буюк саркарда ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асариде султон Хусайн Бойқаро ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: **"Султон Хусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахис Ҳирот шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолга етгургай".**

Унинг ҳукмдорлик даврида илм-фан, адабиёт, архитектура ва мусиқа билан бирга тасвирий санъат ҳам юксак тараққий этган. Мирак Нақшо, Муҳаммад Дарвеш, Камолиддин Беҳзод сингари машҳур рассомлар етишиб чиққан. Шарқ адабиётининг ўнлаб нодир дурдоналари

китоб қилиниб, уларга ўзига хос миниатюралар ишланган.

Мусаввирлар ўз даврининг маданият ҳомийси сифатида Хусайн Бойқаро шахсига катта ҳурмат билан қараган ва қўл-ёзмаларга унинг суратларини киритиш, портретларини яратишга ҳаракат қилишган. Бугунги кунда Хусайн Бойқаронинг сурати акс этган миниатюралар дунёнинг қатор мамлакатларида сақланмоқда.

Ушбу сурат Хусайн Бойқаронинг Хуросон мулкининг қонуний ҳукмдори сифатида салтанат тахтига ўтириш жараёнини акс эттиради. Ҳукмдорга тож кийдириш ўша даврнинг барча расм-русумлари, қонун-қоидаларига асосан амалга оширилган.

Буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий, ўз даврининг буюк алломаси Абдурахмон Жомий ҳам Хусайн Бойқарони бу оламшумул ғалаба билан самимий муборақбод этишади. Миниатюрада улар қаторида йигирмага яқин мулозимлар, сарой аъёнлари, шоир ва мутафаккирлар, хизматкорлар тасвирланганини кўраемиз. Чамаси, бу миниатюрада ҳукмдор ҳали тахтга ўтиришга улгурмади, шохсупада ўтириб, ана шу жараёнга ҳозирлик кўрмоқда. Миниатюрадаги шохсупа тапасида шаҳодат қалимаси ҳамда Хусайн Бойқарони шарафловчи қуйидаги икки мисра форсча шеър битилган:

Эй тоғу тахтро ба вужуди ту ифтихор, Султон Хусайн Шоху жавонбахту комкор.

(Яъни, Эй ёш ва саодатли, қудратли подшоҳ Султон Хусайн, тоғу тахт ҳам сенинг вужудинг билан фахрланади.)

Миниатюранинг ўнг бурчагида иморат пештоқида ҳам

араб тилида "Ушбу олий иморат буюк қахрамон ва ҳукмдор... ҳукмдорлиги даврида..." қабилдаги чала маълумот битилган. Чамаси, матннинг боши ва охири деворнинг ён томонларига битилгани учун маъно тугал англашмаган.

Тахтда сипо кийимда ёш ҳукмдор ўтирибди. Унинг ўнг томонида, қўлида очилган китобни тутиб турган мўсафид ўз даврининг етук алломаси Абдурахмон Жомий бўлиши мумкин. Чунки бу пайтда 55 ёшлардаги Жомий Ҳиротда бўлган ва тахт тепасига янги ҳукмдор келишини хушнудлик билан қаршилаган. Суратда Жомий Султон Хусайн Бойқаро билан ёнма-ён тасвирлангани шоирнинг ҳукмдор наздидаги мавқеи қанчалик юқори бўлганидан дарак беради.

Ён ичидеги қўлларини қовуштириб шохсупага бошқалардан кўра яқинроқда турган, қорамтир яқтак кийган, оқ салла ўраган 30 ёшлардаги йигит Мир Алишер Навоийга ўхшайди. Алишер Навоий қадрдон дўсти Султон Хусайн Бойқаронинг ғалабасидан хабар топиб, ўша кунларда Самарқанддан Ҳиротга етиб борган, ҳукмдорга атаб "Ҳилолия" қасидасини битган эди. Унда шундай мисралар бор:

Шоҳ Абулғозий саодат ахтари Султон Хусайн Ким, қўёшни зарра дер кўрган сипехри ҳашматин.

Ҳукмдорнинг чап томонида ёш шахзода Бадиуззамон Мирзо ўтирибди. Ўша пайтда Султон Хусайннинг тўнғич ўғли Бадиуззамон 11-12 ёшлар атрофида бўлган. Унинг юзлари отасига ниҳоятда ўхшаш кўринишда тасвирланган. Бадиуззамоннинг бошидаги рамзий тож унинг валиаҳд шахзода эканига



ишора қилади.

Икки хизматкор салтанат тимсоллари бўлган олтин тож ва соябонни қўлларида ушлаб олишган. Маросимда Султон Хусайн Бойқаронинг буюк мутафаккирлар даврасида, қўлида китоб билан тургани у ҳукмдорлигининг илк кунларида қўлдан кўришга катта эътибор қаратганидан далолатдир. Дарҳақиқат, султон умрининг сўнгига қадар илм-маърифат, санъат ва адабиётга ҳомийлик қилгани тарихдан яхши маълум.

Айна пайтга қадар дунёнинг

турли музейлари ва кутубхоналарида Султон Хусайн Бойқаронинг турли ҳолатлари акс эттирилган ўнга яқин миниатюралар аниқланган. Ушбу янги миниатюра ҳам муштор адабиётимиз тадқиқотчилари, тарихчи ва санъатшунос олимларимиз томонидан чуқурроқ ўрганилса, янги-янги тафсилотлар ҳамда қизиқарли илмий топилмалар юзга чиқиши мумкин.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Янги руқн: Мутлолаа эҳтиёжи

"Китоб мутлоаси" ибораси жамиятимизда кам ишлатиладиган сўзга айланиб бораётгандек гўё. Чунки ҳозирда технологияларнинг жадал ривожланиши ортдан ахборот олиш тезлиги ошгани ва қўламининг жуда ҳам кенглиги сабабли аксарият инсонлар виртуал оламдаги

янгиликлар билан танишишга кўпроқ вақт сарфламоқда. Натижада инсоннинг энг яқин дўсти бўлган китоб бироз беғоналашмоқда. Бироқ бу вақтинчалик ҳолат бўлиб, китобнинг аҳамиятини асло камайтурмайди.

Ўзликни англаш
ВОСИТАСИ

Давлатимиз раҳбари жамиятда китоб мутлоасини ривожлантириш, ёш китобхонларни рағбатлантириш ва бу йўналишда турли танловлар ўтказишига катта эътибор қаратаётганининг замирида ёш авлод ақл-заковатини юксалтириш мақсади мужассам.

Китоб мутлоаси нафақат судья, балки жамиятда ўз ўрнини топмоқчи бўлган ҳар бир инсон учун зарур. Судьялик машаққатли ва масъулиятли касб экани барчага аён. Судга мурожаат қилинган низо юзасидан ҳар томонлама асосли, қонуний ва адолатли қарор қабул қилиш судьянинг зиммасидаги бурч ҳисобланади. Бу жараёнларда судья доимий равишда китоб ўқиса, бу фикрлаш тезлиги, қийин вазиятларда тўғри қарор қабул



Элдор ҚУРБОНОВ,
Қуйичиққ туманлараро
иқтисодий суди судьяси

ган судья қарор мазмунини тарафларга оддий, содда ва раван тилда тушунтириб беради. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мен ақинда Александр Дюманнинг "Граф Монте-Кристо" асарини такроран ўқиб чиқдим. Бу асарни олдин ҳам бир неча марта ба ўқиганман. Аммо уни ҳар гал мутлола қилганимда ўзгача бир иштиёқ, шижоат ва

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Табиики, дабдурустан қилинган ҳужум ва калтак зарбидан Л.Пирматов буткул эсанкираб қолади. Бинобарин, у дод-вой солганча ухлаб ётган савдо дўкони эгалари ва қоровулларини ёрдамга чақиради.

Бироқ нотаниш кимсалар кўпчилик бўлгани ва қуроллангани туфайли уларга қаршилик кўрсатолмайди. Оқибатда оғир тан жароҳати олиб, ерда жонсиздек қимир этмай ётиб қолади. Бундан фойдаланган босқинчилар эса, "Ласетти" автомашинасини олиб қочиш кетишади.

Шундан сўнг жиноий шериклар "Ласетти" русумли автомашинани Наманган вилояти Поп туманининг "Қўшминор" маҳалласи ҳудудидаги овлоқ ерга ҳайдаб боришади.

Сўнг тезкорлик билан автомашина юкхонасидаги катта миқдордаги пуллари ўзларининг бошқарувидаги "Нексия-3" русумли автомашинага жойлаштириб, воқеа жойиндан яширинишади. Чунки улар бу ёққа келишаётганда, 700-800 қадам нарида, рўпарадан келаётган чегара қўшинлари автомашинасини кўришган, шу боис

Жиноятга жазо муқаррар!

ТЕРГОВДАН ЯШИРИНГАН БОСҚИНЧИ

беш йилдан сўнг айбига иқдор бўлиб келди



аскарлар шубҳаланмаслиги учун чап томондаги кимсасиз кўчага киришганди.

Чиндан ҳам, шундай бўлади. Чегарачилар уларнинг изидан ўша кўчага кириб боришади. Лекин ҳарбий автомашина кўча бошига етганда босқинчилар бошқарувидаги "Нексия-3" ортига қайтиб чиқиб кетади. Буни қарангки, "Нексия-3" автомашинасининг давлат рақами атай мато билан беркичиб қўйилгани сабабли ҳарбий хизматчилар бирор-бир маълумотни аниқлай олишмайди. Кўчанинг анча ичкарида "Ласетти" автомашинасининг чироқлари ёқилган, ён ва олди ойналари синган ҳолда ташлаб кетилганди. Шу боис ҳарбий хизматчилар дарҳол Пул тумани ички ишлар бўлимига хабар беришади.

Энди гапни жабрланувчидан эшитинг. Орадан кўп ўтмай Бахтиёр Аҳроркулов ҳам етиб келади. Л.Пирматов унинг ёрдамида ўрнидан туради. У бироз ўзига кел-

гач, таниши билан бирга босқинчилар изидан боради. Аммо автомашинасини тополмайди. Шунда Л.Пирматов қонун ҳимоячиларига хабар беради. Гушакни аллақачон воқеа жойга етиб келган ИИБ ходими кўтаради.

— Автомашинангизни "Садоқат" пости яқинига ташлаб кетишибди, — дейди у.

Шундан сўнг Л.Пирматов билан Б.Аҳроркулов воқеа содир бўлган жойга етиб боришади. Улар кўздан кечириб бўлишгач, ички ишлар бўлими тезкор ходимлари автомашинани жарима майдонига олиб кетишади. Сўнгра қонун ҳимоячи-

лари жиноятчиларнинг изига тушишади. Яъни дастлаб Қамчиқ довоғига чиқилганда то собиқ "Чағали" йўл-патрул хизмати масканигача бўлган ҳудуддаги кузатув камералари хотираси кўздан кечирилади. Натижада Исмагулла Насруллаевнинг "Нексия-3" русумли автомашинаси Л.Пирматовнинг "Ласетти" русумли автомашинаси ортидан таъқиб этиб келгани ҳам ойдинлашади. Қисқаси, ушбу жиноий қўздан кечириш далиллари билан шошқали равишда қўздан кечирилди. Аммо унга содир этгани мудҳиш жинояти асло тинчлик бермади. Унинг юриш-туришида ҳаловати бўлмади. Шу боис у 2023 йил январь ойи бошида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага бориб, айбига иқдор бўлади. Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди И.Насруллаевни Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми "а" банди ва 267-моддаси 2-қисми "б, в" бандлари билан айбдор деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди.

Буни қарангки, тергов жараёнида судланувчининг яқинлари жабрланувчига етказилган 200.000.000 сўм зарарни тўлашади. Суд жазо тайинлашда бунинг инобатга олди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жиноят содир этган кимсанинг кўнгли ва ҳаёти ҳаммиша нотинч бўлади. Чунки уни муқаррар жазо ҳақида таъқиб этаверади. Баён этилган воқеа тафсилоти ҳам бунинг исботидир.

Буни қарангки, тергов жараёнида судланувчининг яқинлари жабрланувчига етказилган 200.000.000 сўм зарарни тўлашади. Суд жазо тайинлашда бунинг инобатга олди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жиноят содир этган кимсанинг кўнгли ва ҳаёти ҳаммиша нотинч бўлади. Чунки уни муқаррар жазо ҳақида таъқиб этаверади. Баён этилган воқеа тафсилоти ҳам бунинг исботидир.

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қўқон шаҳар суди судьяси



қилиш ва суд ҳужжатини раван ёзишда жуда ҳам асқотади.

Маълумки, суд процесси якунида судья ўзи қабул қилган қарорнинг мазмун-моҳиятини тарафларга тушунтириб беради. Бу жараёнда доимий равишда китоб мутлолаа қилиб юрган судьянинг иши осон кечмади. Бошқача айтганда, китобга ошнор бўли-

завқ оламан. Асар бош қахрамони таъкидлаганидек, "Қутмоқ ва умид қилмоқ керак" гоёси ҳар бир инсон ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга.

Асарни бадий фильм тарзида ҳам кўп маролафа тарзида қилганман. Бадий фильмда асар қахрамонларининг кечинмалари тўлиқлиги асра очиб берилмаган. Аслида асар жуда ҳам кенг мазмунли. Унда инсон сабр-иродаси, ўз мақсадига эришиш, ўзини ўзи тарбиялаш, жазо ҳам, мукофот ҳам инсоннинг ўз ҳаракати натижаси экани ёрқин ифода қилган. Шу боис ҳамкасбларимга ушбу асарни ўқиб чиқишни тавсия этаман.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий судиБош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВГазета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йўти.
Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-915 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 4370
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22³⁰. Топширилди: 1³⁰.